

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУРАДОВ АКБАР ТОЛИБОЕВИЧ

**ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар
ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on political sciences**

Эшмурадов Акбар Толлибоевич

Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш
технологиялари3

Эшмурадов Акбар Толлибоевич

Технологии совершенствования обеспечения духовной безопасности
в обществе25

Eshmuradov Akbar Tolliboyevich

Technologies for improving spiritual security in society47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУРАДОВ АКБАР ТОЛЛИБОЕВИЧ

**ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар
ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3PhD/Siyos102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университетининг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Алимардонов Тўлқин Турдиевич**
сиёсий фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Қодиров Анвар Қахорович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Назаров Насриддин Атақулович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Республика Маънавият ва маърифат маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий-гуманитар фанлар факультети, 5-қават, 511-хона). Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: наука@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Р.Мусаев,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

Б.Т.Туйчиев,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кундаги воқелик глобаллашув жараёнларининг кенгайиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларига жадал кириб келаётганлиги билан характерланади. Жамият ҳаётида кузатилаётган маданий интеграцион жараёнлар шиддати, бир томондан, ривожланиш омили сифатида қаралса, иккинчи томондан, “оммавий маданият” унсурлари билан зиддиятли тўқнашга келаётганлиги ташвишли ва таҳдидли ҳолат сифатида жамият аъзоларининг эътиборини тортмоқда. Жаҳоннинг айрим давлатлари ва минтақаларида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви, турли инқирозларнинг вужудга келиши халқларнинг маънавий қадриятларини турли таҳдидлардан сақлашга доир ёндашувларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Глобал сиёсий жараёнлар кўлами миллий давлатларнинг жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш технологияларини тизимли равишда такомиллаштириш орқали барқарорликни таъминлаш заруратини талаб этмоқда.

Дунёнинг кўпгина илмий марказлари томонидан жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқаруви тизимида демократик ислохотларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти асосларини чуқурлаштириш борасида ҳали шаклланиб улгурмаган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий тизимнинг мураккаб зиддиятларини бартараф этишга оид изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш субъектив ва монополь таъсирлардан холи бўлган ижро ҳокимият бошқарувини, суд-ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари фаолиятини такомиллаштиришни, эркин, рақобатли иқтисодий либерал сиёсатни жорий этиш орқали жамиятда маънавий соғлом муҳитни вужудга келтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда шакллантирилаётган соғлом муҳит миллий тараққиёт имкониятларини таъминлашга хизмат қилади. Давлатлар ва халқларнинг аччиқ таназзул тажрибаси шундан далолат берадики, миллатнинг маънавий-руҳий қуввати қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг истиқболи ҳам шунчалик юксак бўлади. Зеро, “дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”¹, деган қараш жамият тараққиётини таъминлашда маънавий омилларга эътибор беришимиз лозимлигини таъкидловчи муҳим фикрдир. Шу сабабли, бугунги инсоният тараққиёти даврида ҳамда “Ҳаракатлар стратегияси” дастурий вазифалари доирасида жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳаётий зарурият сифатида эътиборлидир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 27.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори, 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сонли Қарори, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли Қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сонли Қарори, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5465-сонли фармойишларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даржада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш, маънавий, мафкуравий таҳдидларнинг моҳияти, уларнинг олдини олишнинг назарий-методологик асослари И.А.Каримов асарларида² ўз ифодасини топганини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли асарида ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлиги юксак маънавиятли шахс тимсолида намоён бўлиши асослаб берилган.

Жамиятимизнинг миллий юксалиш босқичида маънавий хавфсизликни таъминлашни самарали ташкил қилиш масалалари давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг асарлари³, қарор ва фармонлари, нутқ ва маърузаларидаги қарашлари даврнинг маънавий ҳаётига янги руҳий мазмун билан ифода қилиб, тадқиқотимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 Ж. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996-2015.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашга оид қарашлар, бунда ўзликни сақлаш муаммолари қадимда ҳам халқимизнинг устувор вазифалари қаторида бўлганлигини буюк мутафаккир аждодларимизнинг асарлари далолат бериб туради. Бу борада қадимий манба ҳисобланган “Авесто” асари, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур⁴ каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш йўлида учрайдиган маданий маҳдудликни танқид остига олиб, кишиларни илм-маърифатга даъват этган, ғоявий дунёқарашни бойитишга хизмат қиладиган асарларда баркамол шахснинг маънавий қиёфаси ҳақида фалсафий қарашларни илгари сурган Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон⁵ каби жадид намояндаларининг асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш зарур.

Халқимизнинг маънавий ҳаётини ифода этган улкан маданий меросимиз, айниқса, мустақиллик йилларида замонавий фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда пойдевор бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик йилларида жамиятимизда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, ғоявий-мафкуравий таъсирларнинг моҳиятини очиб бериш ва жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, эл-юрт қадри, инсон шаъни, демократик ислохотлар бўйича қатор изланишлар олиб борилди. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар моҳиятидан келиб чиқиб, уларни тўрт илмий гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ: мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий ҳаётимизнинг тарихий илдизларига, миллий ўзликни англаш, мафкуравий таълимотларнинг вужудга келишига қаратилган асарлар – С.Отамуродов, Қ.Назаров, Н.Жўраев, И.Эргашев, Ў.Абилов, С.Мамашокиров, М.Имомназаров, А.Эркаев, М.Қурононов, А.Бегматов, А.Очилдиев, Б.Тўйчиев, М.Қирғизбоевларнинг илмий ишлари шулар жумласидан⁶.

Иккинчи гуруҳ: жамиятда таълим-тарбия тизими, маҳалла ва оила институтларининг жамият маънавий ҳаёти, ғоявий тарбияни амалга оширишдаги ўрни, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий-эстетик асосларига доир илмий тадқиқотлар Т.Алимардонов, А.Мухтаров, У.Идиоров, А.Қодиров,

⁴ Қаранг: Т.Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. – Тошкент: 2000; Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005; Абу Наср Форобий. Фазилят, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2001; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1972; Абу Али Ибн Сина. Философский трактаты. – Москва: Наука, 1980; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971; Абдулқосим Замаҳшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: Камалак, 1992; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: 1990; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.

⁵ Қаранг: Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Т.1. – Тошкент: Маънавият, 1996; Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1996; Чўлпон. Асарлар 3 томлик. (О.Шарафуддинов таҳрири остида). Т.1. – Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.

⁶ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

В.Қўчқоров, Ш.Тўраев, М.Абдуллаева, Ф.Равшанов, С.Шермухамедов, М.Қаҳҳарова, Т.Эгамбердиевлар⁷тадқиқотларида кенг ўрин эгаллаган.

Учинчи гуруҳ: мамлакатимизда мафкуравий жараёнлар, глобал ғоявий таҳдидлар, халқаро келишмовчилик ва зиддиятлар, ёшлар тарбиясида миллий-ахлоқий кадриятлар ва мафкуравий-сиёсий муаммоларнинг таҳлили, миллатлараро муносабатларнинг позитив моҳиятини таъминлашда маънавий омилларнинг ўрнига бағишланган бир қатор ижтимоий-фалсафий ва сиёсий тадқиқотлар Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, О.Раҳматов, М.Бекмуродов, А.Мўминов, Р.Самаров, Н.А.Назаров, О.Мусаев, У.Саидов, И.Саифназаров, Н.Сафарова, Ш.Қаҳҳорова⁸ каби олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Тўртинчи гуруҳ: мамлакатимиз тарақққиётини юксалтириш, стратегик ривожлантириш омилларини кенгайтириш, жамиятда модернизация, инновация ғояларини татбиқ этиш орқали халқаро интеграцион жараёнларга киришишга қаратилган илмий тадқиқотлар вужудга келмоқда. Булар Ҳ.Аҳмедов, Ф.Жўракулов, М.Муҳаммадсиддиқов, Д.Бозоров, Н.Қолқанов, М.Мусаев, Ш.Мавлонов, Ў.Шакаров, Э.Юсупова, Ж.Жўраев⁹ каби ёш олимларнинг илмий изланишлари мазкур ёндашувларнинг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Бу соҳада жаҳон классик меросига айланиб улгурган хорижий олимларнинг илмий тажрибалари ибратли тадқиқотлар қаторига киради. Улардан З.Бжезинский, Э.Гидденс, М.Сасаки, С.Хантингтон, О.Шпенглер, Э.Фромм, А.Тойнби, Дж.Белл, Ю.Хабермас, Ф.Фукуяма, П.Ж.Бьюкенен, А.С.Майданов, В.Иноземцев, В.Т.Ганжин, А.Г.Спиркин, А.Н.Чумаков, Р.Ф.Авдеева, Т.А.Алексеев, Ю.А.Нисневич, В.Слипченко, В.В.Согрин¹⁰ асарларида глобаллашув жараёни ва уларнинг салбий оқибатлари, маънавий таҳдидлар динамикаси, қарама-қарши тенденциялари, жамият ва инсоннинг маънавий қиёфаси, маънавий хавфсизликни таъминлашда ахборот омилларнинг ўрни каби концептуал назарий таълимотлар вужудга келди.

Мавжуд илмий адабиётлар, тадқиқот ва манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги глобаллашув жараёнида таҳдидлар кундан-кунга ривожланиб, янги шакл ва усулларда намоён бўлмоқда. Ички ва ташқи таҳдидларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш технологияларини мустақил тадқиқот сифатида ўрганиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ҳаракатлар стратегияси” дастурий вазифаларини

⁷ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁸ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁹ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

¹⁰ Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

бажариш шароитида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзuidaги амалий ишлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашда ички ва ташқи таҳдидлар омилини ўрганиш ҳамда маънавий хавфсизликни таъминлаш технологияларини янада такомиллаштиришга оид янгича қарашларни илгари суришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- “маънавий хавфсизлик” тушунчасининг таърифи, тарихий, замонавий хусусиятлари ва таснифлари ҳамда бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш;

- маънавий хавфсизликнинг жамият ижтимоий-сиёсий инқирозининг олдини олишдаги ўрни, миллий ўзликни асрашнинг ижтимоий-сиёсий даражаларини аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришда миллий мафкуранинг ролини очиб бериш;

- глобаллашув жараёнида маънавий тубанлик, жамиятнинг таназзул тенденцияларини ўрганиш, маънавий-мафкуравий таҳдидлар ривожланиб боришининг характерли хусусиятларини очиб бериш ва миллий руҳиятга таъсирини ўрганиш;

- миллий ғоя мафкуравий хуружларнинг олдини олишнинг муҳим омили эканлиги, миллий ғоянинг шахс – жамият – давлат маънавий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини тадқиқ қилиш;

- маънавий-мафкуравий таҳдидлар, ғоявий курашлар кучайган ахборот асрида оммавий ахборот воситаларининг жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

- мамлакатимиз миллий тараққиётига хавф солиб турган ички ва ташқи таҳдидларни ўрганиш, таҳлил этиш ва Ўзбекистоннинг маънавий хавфсизлик стратегияси ҳамда унинг ривожланиш истиқболларини таъминлашга доир назарий хулосалар ва амалий тавсияларни илгари суришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жамиятнинг маънавий соҳаси ва бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот предметини жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш технологиялари ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Харакатлар стратегияси” дастурий вазифалари доирасида жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш зарурияти асослаб берилган ҳамда амалиётга жорий этишнинг сиёсий-ташқилий, маънавий-ахлоқий каби механизмлари ишлаб чиқилган;

миллий мафкурани фуқаролар онгига сингдириш, унинг самарали таъсирчанлигини оширишнинг маънавият – мафкура – таълим ва тарбия-тарғибот тамойилига амал қилиш лозимлиги асосланиб, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” концепциясининг амалга ошишида

маънавий хавфсизликнинг ўрни очиб берилган;

“Бешта муҳим ташаббус” доирасида жамиятнинг асосий қатлами бўлган ёшларнинг ижтимоий-маданий фаолиятдаги фаоллигини ошириш орқали маънавий хавфсизликни таъминлаш муҳимлиги асосланган;

жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот институтлари фаолиятига эътибор қаратиб, ментал хусусиятлар асосида маънавий экспертиза тизимини жорий қилиш ҳамда баҳолаш индикаторларини қўллаш муҳимлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашда ментал хусусиятларга эътибор қаратиш лозимлиги, маънавий хавфсизликни таъминлаш истиқболлари прогнозлаштирилиб, эҳтимол тутилган маънавий таҳдидларнинг олдини олиш технологиялари ва механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган;

маънавий-мафкуравий ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг янги сиёсий технологияси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган “Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг миллий концепцияси”нинг ижтимоий ҳаётда амалга оширилиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтирувчи механизм сифатидаги аҳамияти далилланган;

“Оила – мактабгача тарбия муассасаси – маҳалла – таълим тизими – Қуролли Кучлар” формуласи асосида ёшларга миллий ғоя асосларини синдириш воситасида уларда маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш учун ёшларнинг Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва ахборот хуружининг мавжудлиги шароитида улар огоҳлигини кучайтириш, шунингдек, “Миллий кадриятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлашни кучайтириш ва ривожлантириш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган;

Давлат бошқаруви академияси, малака ошириш институтлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-маърифий соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида танлов фани сифатида “Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш технологиялари” мавзуида махсус курс машғулотлари ташкил этиш ҳар томонлама асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти мамлакатимиз миллий тараққиётида ички ва ташқи маънавий таҳдидларнинг вужудга келиш хусусиятлари ва уларнинг олдини олишга хизмат қилишда намоён бўлади. Диссертацияда ўрганилган масалаларнинг ечимларидан

Ўзбекистонда, Марказий Осиё минтақаси ва дунё миқёсида кечаётган мафкуравий жараёнларни сиёсий тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, аниқ амалий таклиф ва тавсиялардан давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, шунингдек, таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш, талабалар учун ташкил этиладиган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

“Харакатлар стратегияси” дастурий вазифалари доирасида жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш зарурияти ҳамда амалиётга жорий этишнинг сиёсий-ташкилий, маънавий-ахлоқий каби механизмлари, жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштиришга хизмат қиладиган хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, унинг ҳудудий Кенгашлари фаолиятида, жумладан, партия ташкилотларининг 2019 йил II ярим йиллик иш режаларини ишлаб чиқиш, жамият ҳаётида оила институти ролини такомиллаштириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларда, шунингдек, партия ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида самарали фойдаланилди (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2019 йил 24 апрелдаги 01-227-сонли далолатномаси). Ушбу хулоса ва таклифлар партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларда иштирок этган номзодларнинг сайловолди дастурларини шакллантиришга хизмат қилган ҳамда мазкур йўналишдаги фаолияти самарадорлиги ошишига катта ҳисса қўшган;

миллий мафкурани фуқаролар онгига сингдириш, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” концепцияси амалга ошишида маънавий хавфсизликнинг ўрнини таъминлаш, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда маънавият – мафкура – таълим ва тарбия-тарғибот тамойилига амал қилиш лозимлигига оид хулосалар, уларни жорий этиш зарурлигига доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолияти ва иш режаларида белгиланган вазифалар амалга оширилишида кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 30 майдаги 02/09-683-19-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар Марказнинг мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлигининг ошишига катта ҳисса қўшган;

“Бешта муҳим ташаббус” доирасида жамиятнинг асосий қатлами бўлган ёшларнинг ижтимоий-маданий фаолиятдаги фаоллигини ошириш орқали маънавий хавфсизликни таъминлаш муҳимлиги, жамият маънавий

ҳаётини мўтадиллаштириш, мавжуд хавф-хатарларни аниқлаш, баргараф этиш технологияларини жорий этишга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти ва иш режасида белгиланган вазифалар амалга оширилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти тингловчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида диссертация натижаларидан кенг фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 6 майдаги 04-13/2160-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтларининг мазкур йўналишдаги фаолияти самарадорлигининг ошишига катта ҳисса қўшган;

мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини йўлга қўйиш, маънавий экспертиза тизимини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқишга оид хулосалар, уларни жорий этиш зарурлигига доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолияти ва иш режаларида белгиланган вазифалар амалга оширилишида кенг фойдаланилди (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 30 майдаги 02/09-683-19-сонли далолатномаси) ҳамда мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлигининг ошишига катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (улардан 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамиятда маънавий хавфсизлик**

сиёсатини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари” деб номланиб, ушбу бобда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг назарий ва методологик асослари, глобаллашув, жамият, маънавият, хавфсизлик каби тушунчалар таснифи ҳамда уларнинг алоҳида ва ўзаро боғлиқ хусусиятлари, шунингдек, маънавий кадриятларнинг жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда глобаллашув жараёнида маънавият ва маънавий тубанлик муаммолари тадқиқ этилган.

Маълумки, маънавий хавфсизлик сиёсатининг мақсади инсон маънавий-ахлоқий ҳаётига таҳдид солувчи хавфларни бартараф қилишдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “... маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охири-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”¹¹ - деб, “маънавий хавфсизлик” тушунчасига таъриф берган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”¹² аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади.

Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қолиб келаётган маънавий кадриятлари узоқ тарихий жараёнларда шаклланиб, ривожланиб келган. Уларни уч минг йилдан ортиқ даврни мужассамлаштирган халқимиз цивилизацияси яратган. Бизнинг маънавий кадриятларимиз ана шу цивилизацияга узвий боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Маънавий кадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросим ва анъаналар кўплаб учрайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги глобаллашув даврида маънавий кадриятларга бўлаётган хуруж ва таҳдидлар йилдан-йилга кўпайиб, унинг тўлқини бутун бир миллатлар, халқларни ўз домига тортиб кетмоқда. Шу сабабдан, айни вақтда “таҳдид” феномени, унинг сиёсий жиҳатлари сайёрамизнинг турли мамлакатларида ижод қилаётган замондош таҳлилчилар ҳамда давлат ва жамоат арбобларининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шу жумладан, Рэйшауэр, Нибур, Хантингтон, Киссинжер (АҚШ), Тойнби (Англия), Турен (Франция), Моисеев (Россия), қолаверса “Рим клуби” ва Пагуош тинчлик ҳаракати каби илмий-амалий муассасалар фаолиятини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Сиёсатшунос олим Ш.Пахрутдинов фикрича, “таҳдид” деганда инсон

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 12.

¹² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 27.

ҳаётий фаолияти, умуман, яшашини чигаллаштирувчи ҳамда аниқ тарихий давр давомида аниқ мақсад учун йўналтирилган ижтимоий структурани, тўғрироғи, давлатнинг сиёсий асосини заифлаштирувчи, қолаверса, емиришга қаратилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва ниҳоят, умумсайёравий салбий омилларнинг “кириб келиши” туфайли юз берувчи макон ва замонда муайян салбий сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазиятни тушуниш лозим¹³. Шундан келиб чиқиб, маънавиятимизга қаратилган таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш учун жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш технологияларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Таниқли файласуф олим С.Отамуротов фикрича, миллий-маънавий хавфсизлик деганда, миллий маънавиятнинг барқарор тараққий қилиши учун шарт-шароит, вазият, имкониятларнинг мавжудлиги, унинг ўзига хослигига зид бўлган турли маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик таҳдидлардан ҳимояланганлиги ва миллий маънавиятнинг умуммиллий тараққиётнинг табиий эҳтиёжи ва амалиётига айланганлик салоҳиятини тушуниш мумкин¹⁴.

Сиёсатшунос олим Т.Алимардоновнинг фикрича, маънавий хавфсизлик тизими миллат руҳияти, салоҳияти, иродасини ифода қилиб, унинг маданияти, тарихи, ўзбек давлатчилиги асослари тўғрисидаги тушунча ва қадриятлар тасавури йиғиндисидир. Маънавий хавфсизлик масаласи миллатнинг мавжудлигини белгиловчи вазифалар қаторига киради. У ахлоқий қадриятлар орқали жамият ва унинг маданиятини сақлашга қаратилган яхлит ижтимоий тизимлар фаолиятини ифода қилади¹⁵.

Демак, маънавий хавфсизлик – миллий хавфсизлик тизимининг негизи ва унинг таркибий қисми сифатида жамият, шахс, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, ҳарбий, мафкуравий, ахборот, илмий, диний ва маданий хавфсизликни таъминлашни ўз ичига олган ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимлар мажмуи.

Глобаллашув шароитида жамиятнинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш аҳолининг ватанпарварлик туйғулари ва хулқ-атвор йўналишини, давлатга бўлган ишончни мустақамлаш, давлат тузилмалари ва жамият ўртасидаги миллий номуносиблик ва бегоналашув мажмуасини енгиб ўтиш учун йўналтирилган стратегияни талаб қилади. Глобаллашув шароитида жамиятнинг маънавий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий концепцияси, хавфсизликнинг ушбу турини таъминлаш учун илмий тушунчалар ва принциплар тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири “... ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани”¹⁶дир. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига,

¹³ Пахрутдинов Ш. “Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт. - Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998. – Б. 7-8.

¹⁴ Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. – Б. 188.

¹⁵ Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. -Тошкент: Нишон-ношир, 2015. - Б. 127.

¹⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.113.

замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни қўймоқда”¹⁷.

Мазкур бобда глобаллашув даври муаммолари, уларнинг ечимлари, инсониятнинг келажаги, авваламбор, маънавий соҳадаги ислоҳотлар тақдирига боғлиқ эканлиги, инсониятнинг ўтган давр тарихи, дунё аллома ва мутафаккирлари, етакчи олим ва мутахассислари томонидан билдирилган фикрлар атрофлича илмий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Шахс, жамият ва давлат маънавий хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий технологиялари**” деб номланади. Мазкур бобда маънавий инқироз жараёнлари ва уларни бартараф этишнинг сиёсий технологиялари, миллий мафқурани амалга ошириш маънавий хавфсизликни таъминлашнинг омили сифатида, оммавий ахборот воситаларининг маънавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва роли тадқиқ этилган.

XXI аср тараққиётининг инсониятга қилаётган энг салбий таъсирларидан бири бошқа халқлар, миллатларнинг кучли давлатлар томонидан маҳв қилиш учун ўйлаб топилган маккорона усул ва технологияларни қўллаш ҳамда манфур мақсадларини амалга оширишда намоён бўлмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг асоси бўлган шахс маънавиятига хуруж ва таҳдид қилиш амалиёти бугунги кунда тобора ортиб бормоқда. Ушбу хуружларни амалга оширишда ҳозирги кунда рўй бераётган глобаллашув жараёнларининг бош режиссёри ролини ўйнашга ёки мазкур жараёнларни фақат ўз манфаатлари йўлига буриб юборишга ҳаракат қилаётган айрим етакчи мамлакатлар ва уларнинг ғаразли мақсадларини амалга оширувчи турли сиёсий ташкилотлар асосий ўрин эгалламоқда.

Бугунги кунда маънавий таҳдидлар шахс – жамият – давлат бирлигига қарши қаратилган асосий хавф сифатида кенг ишлатилмоқда. Маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Шу маънода, маънавий таҳдидлар бевосита мақсадли хуружлар ҳисобланади.

Инсоният тарихидан маълумки, қадимдан шахс – жамият – давлат бирлигининг маънавий илдизларига зарба берувчи, уни издан чиқарувчи сиёсий технологиялар мавжуд бўлган. Ушбу сиёсий технологиялар бугунги даврдаги мавжуд технологияларга асос бўлиб хизмат қилаётганини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

¹⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 45-46.

Инсоният тарихидаги сиёсий технологиялар

ҚАДИМГИ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
<p>Милоддан олдинги IV асрда яшаган хитойлик файласуф ва ҳарбий кўмондон Сунн Цзининг курашда ғолиб бўлиш йўлидаги технологиялари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг, айнитинг; - рақиб давлат раҳбарияти обрўсини тўкинг, кулай пайтда жамият олдида уларнинг шармандасини чиқаринг. Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг; - рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик, жанжал чиқаринг; - ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг; - ҳукуматнинг яхши иш юритишига ҳар қандай йўл билан қаршилик кўрсатинг; - душманингизнинг анъаналарини қадрсизлантиринг, худоларига ишончини синдириг. 	<p>Жозеф Овертон томонидан ишлаб чиқилган “Ҳар қандай одатни ҳаётга сингдириш” сиёсий технология бўлиб, унга кўра, бирор тушунча ёки ҳодисани онга сингдириш бир неча босқичда олиб борилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ақлбовар қилмаслик – ғоя сингдирилаётган жамиятда оммавий тарзда тақиқларни бекор қилишга эришиш; - қатъиятлилик – олимларни, мутахассисларни фаол тарзда жалб қилиш. Очiq ва расмий тарзда конференциялар, симпозиумлар уюштириш; - маъқуллаш ва мақбуллик – жамиятга хос бўлган “гуноҳ” тушунчаларнинг маъно-мазмунини ўзгартириш; - мантиқийлик – жамиятда илгари сурилган ғояга нисбатан турли қарашларни шакллантириш. Қаршилик қилганларни янги ғоялар кушандаси, эскилик сарқити сифатида қоралаш; - стандарт ўлчов – мазкур ғоя ОАВда фаол тарғибот қилинади. Унга машхур одамлар жалб қилинади. Одамлар онгига тегишли маълумотлар сингдирилади; - амалдаги норма - ёд ғоялар меъёрий ҳужжатларга киритилади. Қачонлардир ақлга сиғмайдиган воқеликлар ижтимоий ҳаётнинг нормаларига айланади.

Ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда бугунги кунда дунёда ахлоқсизлик, бузуқчилик ғоялари тарғиб этилмоқда, юртимиздаги айрим хусусий ОАВлар томонидан англамаган ҳолда мазкур технология орқали турли зарарли ғоялар кириб келаётганлиги, тарғиб қилинаётганлиги хавотирли ҳолатдир. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлган “оммавий маданият” салбий ҳодиса, контрмаданият сифатида шахс – жамият – давлатни маънавий инқирозга бошловчи сиёсий технология сифатида намоён бўлмоқда. Бот-бот оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлаётган ҳодисалар – мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари ёки ўқитувчисига қарата ўқ отиши, курул билан ўқталиши ана шу маданият таъсирида юз бераётган ҳодисалар сирасига киради.

Истеъмолчилик руҳиятини авж олдириш, “роҳатланиш саноати”ни ривожлантириш, “оломон маданияти”ни кенг ёйиш оқибатида Ғарбда маънавий-ахлоқий таназзул жараёнлари кузатилмоқда. Қадриятлар тизими оёғи осмондан келиб, илгари фазилат саналган нарсалар айбга, авваллари гуноҳ сифатида қораланган ҳаракатлар “фазилат”га айлантириляпти. Ғарб

мамлакатларида девиант хулқ-атворли айрим ёшларнинг салбий фаолиятлари боис жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби иллатларнинг авж олиши, оилаларнинг бузилиши, туғилишнинг камайиши бунинг яққол далилидир.

Миллий қадриятларнинг таназзули натижасида шахснинг миллатга мансублик хусусиятининг емирилиши тенденциясини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2 жадвал

Шахснинг миллатга мансублик хусусиятининг емирилиш тенденцияси



Шахснинг маънавий бузилиши, ўз навбатида, жамият ва давлатнинг маънавий инқирози ҳисобланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, ҳозирги тараққиёт вақтида ҳам турли сиёсий технологиялар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар шахс маънавиятини бузиш орқали жамият ва давлатнинг маънавий илдизларига болта урмоқда. Шахснинг ўз эрки ва ҳуқуқини қўлдан чиқариши, тили, дини, эътиқоди, урф-одатлари, миллий ғуруридан маҳрум бўлиши, миллий ўзлигини англашга тўсқинлик қилиниши

натижасида жамиятда маънавий инқироз ҳолатлари вужудга келмоқда. Натижада, шахс ўзлигидан айрилади, ким ва қандай шахс, кимларнинг авлоди эканини унутади, ғурури – миллий кодини йўқотади. Пировард натижада шахс ўз истиқболидан адашади, жамият ва давлат ўзининг барқарор ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўлиб, таназзулга юз тутади.

Глобаллашув ва интеграция жараёнларининг чуқурлашуви оқибатида яшаш қаерда яхши бўлса, шу ерни “Ватан” деб юрадиган оқим пайдо бўлдики, бу оқим жамият маънавий хавфсизлиги учун хавф-хатарга айланмоқда. Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, юртимиздан хорижий мамлакатларга 2017 йилда 22651 киши, 2018 йилда 19006 киши кўчиб кетган. Айниқса, “оммавий маданият” таъсирида бугунги кунда дунёда кечаётган оила инқироzi бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Таҳлилларга кўра, республикамиз бўйича 2016 йилда 29647 та, 2017 йилда 31,9 минг, 2018 йилда 40 мингга яқин оилалар ажралишган. Никоҳи бекор бўлганларнинг деярли учдан бир қисми 16-20 ёш оралиғида турмуш қурган қизлар, 55-60 фоиз аёллар бир ёки икки нафар фарзандлари билан ёлғиз қолмоқда. Бу каби нохуш ҳолатлар жамиятнинг маънавий муҳити, ёшлар тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Тадқиқотлардан маълумки, мавжуд адабиётларда миллий ғояни аҳоли онгига сингдиришнинг технологик ёндашувлари услубияти ортда қолмоқда. Технологик ёндашувлар алоҳида жамият, ҳар бир корхона, жамоа, таълим муассасалари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилиши лозим. Бугун миллий ғояни барча соҳалар (иқтисод, сиёсат, ишлаб чиқариш, бизнес, саноат, санъат ва ҳ.к.), ҳаётнинг барча жабҳаларига олиб киришимиз зарур. Жумладан, таълим муассасаларидаги эрталабки сафланиш, меҳнат жамоаларидаги мажлис ва йиғилишлар, тўй ва маросимлар, ҳарбийлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саф йиғилишларида ҳам миллий ғоя тарғиботини амалга ошириш мумкин. Чунки бу тадбирлар давомида миллий ғоямизнинг бош ва асосий мақсади, уларнинг бугунги кундаги рўёби ҳақида сўз юритилиб, иштирокчилар рағбатлантирилади. Масалан, таълим муассасаларидаги эрталабки сафланишларда давлат мадҳиясининг жўр овозда айтилиши ҳам миллий ғоя, ҳам бирлик руҳининг тарғиботи ҳисобланади.

Ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ўрни, шахс, жамият ва давлат тараққиётига бўлган таъсири сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда ахборот табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслардан ҳам кўпроқ қимматга эга қудратли ресурсга айланди. Ахборотни товар сифатида сотиш ва харид қилиш мумкин. Бундан ташқари, ахборотдан курол сифатида фойдаланиш мумкин, бугунги кун турли кўлам ва жадалликдаги ахборот урушлари билан қамраб олинган. Агар олимлар XX асрни энергетика асри деб номлашган бўлса, XXI аср - ахборот асри. Ҳозирги пайтда “ким

ахборотга эга бўлса ўша дунёга ҳукмронлик қилади”¹⁸, деган қоида устувор. “Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹⁹.

Мазкур бобдаги хулосаларимиз доирасида маънавий таҳдидлар кўламини “The Roal Pingdom” таҳлилий компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ер юзида 2,1 миллиард Интернетдан фойдаланувчилар бўлиб, шундан 44 фоизи (922,2 миллион) Осиё минтақасига тўғри келишига эътибор қаратамиз. Бу кўрсаткич Европада 23 фоиз (476,2 миллион), Шимолий Америкада 13 фоиз (271,1 миллион)га яқин, Африкада 6 фоиз (118,6 миллион), Яқин Шарқ минтақасида 3 фоиз (68,6 миллион), Австралияда эса 1 фоиз (21,3 миллион)ни ташкил этади. Шулардан тахминан етти юз миллион аҳоли ижтимоий тармоқдан фойдаланади, бу эса дунё аҳолисининг тахминан 10 фоизини ташкил этади²⁰. Ўзбекистонда бугунги кунда 15 миллион Интернет фойдаланувчилари бор, уларнинг 80 фоизи мобил Интернетдан фойдаланади.

Ҳозирги кунда Интернет тармоқлари орқали мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг, асосан, қуйидаги йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик, садизм мисолида);

- ғарбча яшаш тарзига хос, лекин миллий маданиятимизга зид ғоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, пирсинг, татуировкалар ва ҳоказо);

- порнографик ахборотларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;

- сохта ахборотлар (дезинформация).

Жумладан, “ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”²¹. Бу, ўз навбатида, ёшларни психологик мувозанатдан чиқарадиган маънавий таҳдидлар сирасига киради.

Белоруссиялик мутахассис Евгений Морозовнинг “Тармоқ уйдирмаси” (“The Net Delusion”) номли китобида айтилишича, ижтимоий тармоқлар

¹⁸ Сальников В.П. Международная научно-практическая конференция: Компьютерная преступность: уголовно-правовые и криминологические проблемы // Ж. Государство и право. – Москва, 2000. № 9.- С.101.

¹⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.– Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 129.

²⁰ <http://kun-uz.com/cf/rgimchak-tri>

²¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир асари. -Тошкент: Ўзбекистон. 2015. - Б. 267.

